O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 20 » август 2019 y. № 698 Toshkent sh.

**Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон Фармонига мувофиқ ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари (кейинги ўринларда давлат хизматлари деб аталади) кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари деб ҳисоблансин:

давлат хизматлари кўрсатишда юридик ёки жисмоний шахсларнинг бевосита иштирок этишини талаб қиладиган тартиботлар сонини ҳамда уларни кўрсатиш муддатларини тубдан қисқартириш;

юридик ва жисмоний шахслардан бошқа давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан олинадиган ҳужжатлар ва маълумотлар талаб қилинишини бекор қилиш;

давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тўсиқ ва говларга йўл қўймаслик мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўртасида идоралараро ўзаро электрон ҳамкорлик ўрнатиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталини (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) давлат хизматлари кўрсатиш учун ягона ахборот майдончаси сифатида белгилаш.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин ва 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб амалга киритилсин:

Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;

Юридик ва жисмоний шахсларнинг табиий газни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ;

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 3-иловага мувофиқ.

3. Белгилансинки, 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентларга мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматларидан фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахслар фақат Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали мурожаат қиладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва давлат хизматлари кўрсатилишида иштирок этадиган бошқа давлат органлари:

бир ой муддатда давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг намунавий шакллари, бланкалари ишлаб чиқилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишган ҳолда тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 ноябргача бўлган муддатда ҳудудий бўлинмалар, идоравий мансуб ташкилотлар ва давлат хизматлари кўрсатилишида иштирок этадиган бошқа тузилмаларнинг ЯИДХПга уланишини;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда 2019 йил мобайнида Давлат хизматлари марказларининг ходимлари иштирокида ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентларни амалда қўллашнинг самарадорлиги ва натижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўқув семинарлари ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминиласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда 2019 йил 1 ноябргача бўлган муддатда Ягона биллинг тизими орқали реал вақт режимида электрон шаклда тўловлар қабул қилинишини ҳамда давлат хизматлари кўрсатилиши учун тўланган йиғимлар суммаси ҳисоби юритилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг улар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартибига риоя этилиши юзасидан, шу жумладан ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентлар талабларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар маисабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазоларни қўлласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги раҳбарлари ушбу қарорда назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов, Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Ҳ. Салиев ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “20” августдаги 698-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг**
# МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент юридик ва жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда талабгорлар деб аталади) Давлат хизматлари марказлари орқали электр энергиясини ҳисобга олиш (ҳисоблагич) ускунасини (кейинги ўринларда ҳисобга олиш ускуналари деб аталади) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматларини (кейинги ўринларда давлат хизматлари деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

Мазкур Регламент талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 13 ноябрдаги ПҚ-3384-сон қарори асосида ўрнатилган ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек, ўлчов комплексларига нисбатан тадбиқ этилмайди.

2. Давлат хизматлари Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали кўрсатилади. Бунда:

а) ҳудудий электр тармоқлари корхонаси (кейинги ўринларда ҲЭТК деб аталади) – ҳисобга олиш ускуналарини ечиш ва ўрнатишни, ечилган ҳисобга олиш ускуналарини “Ўзстандарт” агентлигининг давлат метрология хизмати органларида (кейинги ўринларда метрология хизмати деб аталади) қиёслашдан ўтказишга тақдим этиш ишларининг амалга оширилишини таъминлайди;

б) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) барча жараёнларда ҲЭТК билан ҳамкорлик қилади, ҳисобга олиш ускуналарига тамға (пломба) қўйишни амалга оширади;

в) метрология хизмати ечилган ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга оширади;

г) талабгорлар ечилган ҳисобга олиш ускуналарини ўриатиш ва ечиш учун зарур шароит яратади ва ушбу жараёнда иштирок этади.

3. Электр энергиясини ҳисоблаш учун фақатгина Ўзбекистон Республикаси Ўлчаш воситалари давлат реестрига киритилган турлардаги ҳамда электр энергиясини ҳисоби ва назоратининг автоматлаштирилган тизимига мос келадиган ҳисобга олиш ускуналаридаи фойдаланилиши шарт.

4. Давлат хизматлари марказларн, ҲЭТК, Бюро ва метрология хизмати ўртаснда ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

5. Ҳисобга олиш ускуналарини қиёслаш даврийлиги:

жисмоний шахслар учун – 8 йил;

юридик шахслар учун – 4 йилни ташкил этади.

Ҳисобга олиш ускуналарига 2019 йил 1 ноябрга қадар расмийлаштирилган қиёслаш сертификатларининг амал қилиш муддати ўз кучида қолади.

6. Ҳисобга олиш ускуналарнни қиёслашдан ўтказиш метрология хизмати томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

7. ҲЭТК ҳисобга олиш ускунасини даврий текширувдан ўтказишнинг амал қилиш муддати тугашидан 30 кун олдин талабгорни ҳисобга олиш ускунасини даврий текширувдан ўтказиш зарурлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради.

Талабгорнинг ҲЭТК томонидан белгиланган муддатда расмий равишда огоҳлантирилмаслиги ҳисобга олиш ускуналарини ўз вақтнда қиёсловдан ўтказмаганлик учун айбдорликни келтириб чиқармайди.

8. Ҳисобга олиш ускунаси талабгориинг айбисиз вақтинчалик бузилганда ёки қиёслашдан ўтказиш учун ечиб олинганда, етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб Бюронн хабардор қилган ҳолда, ҳисобга олиш бузилишнга ёки қиёслашдан ўтказишга қадар бўлган олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аннқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдаи ортиқ қўллаиилиши мумкин эмас.

Ҳисобга олиш ускунаси бир ой муддатда ўрнатилмаган ҳолларда ҳисоб-китоб ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

9. Давлат хизмати кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

## 2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

### 1-§. Мурожаатларни шакллантириш ва юбориш

10. Талабгорлар (маиший эхтиёжлар учун электр энергиясидан фойдаланувчи жисмоний шахслардан ташқари) давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

Бунда, маиший эхтиёжлар учун электр энергиясидан фойдаланувчи жисмоний шахслардаги электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш учун Давлат хизматлари марказларига ҲЭТК мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

11. Талабгор ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими талабгор номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

12. Талабгордан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

13. Сўровнома тўлдирилганидан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

14. Сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

15. Ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш давлат хизматини кўрсатганлик учун:

жисмоний шахслардан (маиший эхтиёжлар учун электр энергиясидан фойдаланувчи жисмоний шахслардан ташқари) базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи;

ҲЭТКдан (маиший эхтиёжлар учун электр энергиясидан фойдаланувчи жисмоний шахслар учун) базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи;

юридик шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Бунда ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича бир вақтда мурожаат қилинганда йиғим суммаси бир марта ундирилади.

Ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш назарда тутилмаган ҳолларда ечиш ёки ўрнатиш учун йиғим ундирилмайди.

Маиший эҳтиёжлар учун электр энергиясидан фойдаланувчи жисмоний шахслардаги электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш, қиёслашдан ўтказиш, тамғалаш, рўйхатдан ўтказиш, таъмирлаш ва янгисига алмаштириш ҲЭТКнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) жисмоний шахслардан (маиший эхтиёжлар учун электр энергиясидан фойдаланувчи жисмоний шахслардан ташқари) ундирилган йиғимларнинг:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги "Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази" ДУКнинг махсус ҳисобрақамига ўтказилади (агар давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилса);

40 фоизи – метрология хизматининг ҳисобрақамига ўтказилади (агар ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш бўйича мурожаат қилинганда);

қолган маблағлар ҲЭТКнинг банк ҳисобрақамига ўтказилади. Бунда, ҳисобга олиш ускуналарини заруратга кўра таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш харажатлари ҲЭТК маблағлари ҳисобидан қопланади;

б) маиший эхтиёжлар учун электр энергиясидан фойдаланувчи жисмоний шахслар учун ҲЭТКдан ундирилган йиғимларнинг:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги "Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази" ДУКнинг махсус ҳисобрақамига ўтказилади (агар давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилса);

70 фоизи – метрология хизматининг ҳисобрақамига ўтказилади (агар ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш бўйича мурожаат қилинганда);

в) юридик шахслардан ундирилган йиғимларнинг:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг махсус ҳисобрақамига ўтказилади (агар давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилса);

50 фоизи – метрология хизматининг ҳисобрақамига ўтказилади (агар ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш бўйича мурожаат қилинганда);

қолган маблағлар ҲЭТКнинг банк ҳисобрақамига ўтказилади.

16. Давлат хизматини олиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этганда, мазкур Маъмурий регламентнинг 15-баидида кўрсатилган йиғимлар тўланадиган суммадан 90 фоиз миқдорида тўланади.

17. Давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилганда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигиниг бюджетдан ташқари жамғармасига аризани қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун йиғим суммасининг йўналтириладиган қисми 20 фоиздан 10 фоизга камайтирилади ва бўшайдиган маблағлар қолган олувчилар орасида мутаносиб равишда тақсимланади.

18. Сўровномада ишончсиз маълумотлар кўрсатилганлиги, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш учун тўловнинг амалга оширилмаганлиги давлат хизматларини кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади. Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

19. Талабгорлар давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

20. Талабгорлар Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқланганидан сўнг 20 дақиқа ичида ҲЭТК ва Бюрога электрон шаклда юборилади (қиёслашдан ўтказиш учун мурожаат қилинганда, метрология хизматига ҳам юборилади).

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда ҲЭТК ва Бюрога электрон шаклда юборилади (қиёслашдан ўтказиш учун мурожаат қилинганда, метрологня хизматига ҳам юборилади).

## 2-§. Ҳисобга олиш ускуналарнии ечиш тартиби

21. Ҳисобга олиш ускуналарини ечиш ҲЭТК ва Бюро вакиллари томонидан талабгор иштирокида амалга оширилади.

22. ҲЭТК ва Бюро ходимлари сўровнома келиб тушганидан сўнг 5 иш куни ичида талабгор билан келишиб, унинг иштирокида мазкур Регламентга 3-4-иловаларга мувофиқ шаклдаги далолатномани 2 нусхада тузган ҳолда ҳисобга олиш ускунасини ечиб олади. Далолатноманинг бир нусхаси талабгорга топширилади, иккинчи нусхаси ҲЭТК ходимида қолдирилади.

Талабгор ҳисобга олиш ускунасини қиёслашдан ўтказиш учун мурожаат қилганда, ҳисобга олиш ускунаси ҲЭТК томонидан далолатнома билан бирга метрология хизматига топширилади.

23. Талабгор ёки унинг вакили келишилгаи вақтда ва манзилда бўлмаган тақдирда, сўровномада кўрсатилган телефои рақами (электрон манзили, интернет ва ижтимоий тармоқ) орқали алоқага чиқилиб, сабаби аниқланади ва бу ҳақда холислар иштирокида далолатнома тузилиб, фуқароларнинг ўзини ўзн бошқариш органи муҳри билан расмийлаштирилади ва мурожаат кўрмасдан қолдириладн.

Мурожаат кўрмасдан қолдирилганлиги ҳақида ҲЭТК ва Бюро масъул ходимлари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган хабарнома тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақднрда) ЯИДХП орқали электрои шаклда юборилади.

Талабгор хабарномани олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида Марказга қайта мурожаат қилган ҳолларда ундан мазкур Регламентнинг 15-бандида назарда тутилган йиғим ундирнлмайди.

## 3-§. Ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш тартиби

24. Ҳисобга олиш ускунаси ҲЭТКдан қабул қилиб олинганидан сўнг 3 иш куни ичида метрология хизмати томонидан қиёслашдан ўтказилади.

25. Ҳисобга олиш ускунасини қиёслашдан ўтказиш натижаси ижобий бўлган тақдирда, ҳисобга олиш ускунаси фойдаланишга яроқли деб топилади ва метрология хизмати томоннդан ҳисобга олиш ускунасииинг қиёслашдан ўтказилганлиги ҳақида сертификат расмийлаштирилади.

Ҳисобга олиш ускунаси унинг ҳисоблаш механизми ва созлаш элементига ўзгартириш киритишнинг олднни олиш мақсадида метрология хизмати томонидан тамғаланади.

Ҳисобга олиш ускунасини қиёслашдан ўтказиш натижаси салбий бўлганда, ҳисобга олиш ускунаси фойдаланишга яроқсиз деб топилади ва бу ҳақда шу куннинг ўзида метрология хизмати масъул ходими томонидан ҳисобга олиш ускунасининг яроқсизлиги ҳақида хабарнома расмийлаштирилади.

Сертификат ёки хабарнома расмийлаштирилгаидан сўнг 20 дақиқа ичида метрология хизмати масъул ходими уларни ўзининг электрои рақамли имзоси билан тасдиқлаб, ҲЭТК ва Бюрога, шунингдек, Давлат хизматлари маркази (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ЯИДХП орқали талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) электрои шаклда юборади.

26. ҲЭТК сертификат ёки хабарнома келиб тушганидан сўнг 2 иш куни ичида хисобга олиш ускунасини метрология хизматидан олиб кетади.

27. Хабарнома олинган тақдирда ҲЭТК ҳисобга олиш ускунасини 3 иш кунида таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш чорасини кўради. Электр энергияни ҳисобга олиш ускунасини таъмирлаш ёки янгисига алмаштиришга доир сарф-харажатлар ҲЭТК томонидан қопланади.

28. Таъмирланган ҳисобга олиш ускунаси ҲЭТК томонидан 2 нш кунида метрология хизматнга тақдим этилиши лозим.

Метрология хизмати ҳисобга олнш ускунасини Регламентнинг 24-25-бандларида назарда тутилган тартибда қиёслашдан ўтказади. Бунда, қайта қиёслаш учун талабгор ёки ҲЭТКдан қўшимча тўлов ундирилмайди.

## 4-§. Ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш тартиби

29. ҲЭТК ва Бюро ходнмлари ҳисобга олиш ускунасини қиёслашдан ўтказгандан кейин 3 иш куни ичида талабгор бнлан келишилган вақтда талабгор иштирокида ушбу Регламентга 5-6-иловаларга мувофиқ ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиш тўғрисида уч нусхада тегишли далолатнома тузган ҳолда тамғалайди. Далолатноманинг бир нусхаси талабгорда қолдирилади.

Хизмат кўрсатиш якунланганлиги ҳақида хабардор қилиш учун ҳисобга олиш ускунаси ўрнатнлганлиги ҳақидаги далолатнома тузилган кундан бошлаб 1 иш куни ичида Давлат хизматлари марказига юборилади.

Талабгор ёки унинг вакили келишилган вақтда ва манзилда бўлмаган тақдирда, бу ҳақда холислар иштирокида далолатнома тузилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органн муҳрн билан расмийлаштирилади.

30. Далолатнома ҲЭТК ва Бюро масъул ходими томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади.

## 3-боб. Якунловчи қоидалар

31. Давлат хизматлари марказлари, ҲЭТК, Бюро ва метрология хизмати ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотлар сир сақланишини таъминлайди.

32. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

33. Талабгорлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

34. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични)
ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-ИЛОВА

**Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш**
СХЕМАСИ

| **Босқичлар** | **Субъектлар** | **Тадбирлар** | **Бажариш муддатлари** |
|---|---|---|---|
| | | **I. Мурожаатларни шакллантириш ва юбориш** | |
| 1-босқич | Талабгор | 1. Электр энергияни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиш ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтиш.<br>2. Давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўлаш. | 1. Хоҳишига кўра<br>2. Мурожаат қилинганда |
| 2-босқич | 1. Давлат хизматлари маркази<br>2. ЯИДХП | Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш учун сўровномани ҲЭТК ва Бюрога (қиёслашдан ўтказиш учун метрология хизматига ҳам) юбориш. | 1. 20 дақиқа<br>2. Автоматик тарзда |
| | | **II. Ҳисобга олиш ускуналарини ечиш тартиби** | |
| 1-босқич | ҲЭТК ва Бюро | Талабгор билан келишилган вақтда, унинг иштирокида тегишли далолатнома тузган ҳолда ҳисобга олиш ускунасини ечиб олиш. | 5 иш куни мобайнида |
| | | **III. Ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш тартиби** | |
| 1-босқич | Метрологик хизмат | 1. Ҳисобга олиш ускунасини ҲЭТКдан қабул қилиб олиш ва қиёслашдан ўтказиш.<br>2. Сертификат ёки хабарнома расмийлаштирилгандан сўнг уларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб, ҲЭТКга ва Бюрога, шунингдек, Давлат хизматлари маркази (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ЯИДХП орқали талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) электрон шаклда юбориш. | 1. 3 иш куни мобайнида<br>2. 20 дақиқа мобайнида |
| 2-босқич | ҲЭТК | Сертификат ёки хабарнома келиб тушганидан сўнг ҳисобга олиш ускунасини метрология хизматидан олиб кетиш. | 2 иш куни мобайнида |

## IV. Ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш тартиби

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | ҲЭТК ва Бюро | Талабгор билан келишилган вақтда сўровномада кўрсатилган манзилга бориб, ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиб бериш ва уч нусхада тегишли далолатнома тузган ҳолда тамғалаш, далолатноманинг бир нусхасини талабгорда қолдириш. | 3 иш куни мобайнида |
| 2-босқич | ҲЭТК ва Бюро | Хизмат кўрсатиш якунланганлиги ҳақида хабардор қилиш учун ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилганлиги ҳақидаги далолатномани Давлат хизматлари марказларига юбориш. | 1 иш куни мобайнида |

Электр энергиясини ҳисобга олиш
ускунасини(ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан
ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-ИЛОВА

_______________ _______________
*(сана)* *(рақам)*

**Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагичи) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш бўйича**
**СЎРОВНОМА**

**I. Талабгор – жисмоний шахс тўғрисида маълумот:**

| | |
|---|---|
| 1. Ф.И.Ш.: | |
| 2. Паспорт серияси ва рақами: | |
| 3. Манзили: | |
| 4. Абонентнинг шахсий рақами: | |
| 5. Телефон рақами: | |
| 6. Электрон почта манзили (ихтиёрий): | |
| 7. Электр энергиясини ҳисобга олиш усканасини ўрнатилаётган манзили: | |

**II. Талабгор – юридик шахс тўғрисида маълумот:**

| | |
|---|---|
| 1. Тўлиқ номланиши: | |
| 3. СТИР: | |
| 4. Электр энергиясини ҳисобга олиш усканасини ўрнатилаётган манзил: | |
| 5. Электр энергиясини етказиб бериш шартномаси реквизитлари (санаси ва рақами): | |
| 6. Шахсий ҳисоб рақами: | |
| 7. Телефон рақами: | |
| 8. Электрон почта манзили: | |

**III. Хизмат тури:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. Хизмат тури: | электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиш | |
| | электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиш | |
| | электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини қиёслаш | |

ш.(туман) _______________ 201__ йил «___»__________

Электр энергиясини ҳисобга олиш
ускунасини(ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан
ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар учун электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиб олиш ДАЛОЛАТНОМАСИ**

| | |
|---|---|
| Истеъмолчининг шахсий рақами | |
| Ф.И.Ш. | |
| Манзили | |
| Телефон рақами, электрон манзили | |

Биз қуйида имзо чекувчилар, вакил ______________________________

(Туман/шаҳар электр таъминоти корхонаси, лавозими, Ф.И.Ш.,)

______________________________ва вакил

______________________________,

(Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлими номи,лавозими,Ф.И.Ш.)

______________________________

Истеъмолчи иштирокида электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиш вақтидаги ҳолат қуйидагилардан иборат:

| | |
|---|---|
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасининг завод рақами | |
| Тури, маркаси, электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ишлаб чиқарувчиси | |
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиб олинаётган вақтдаги кўрсаткичи | |
| Ечиб олинган тамғалар рақами | |
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини кўришда аниқланган камчиликлар | |

Шу хақда далолатнома туздик, электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиш сабаби ______________:

- электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини Абонентга берилди.

Исътемолчи электр энергиясини хисобга олиш ускунасини ечилгани хақидаги далолатномани бир нусхаси билан биргаликда қиёсловдан ўтказиш учун топширади.

- электр энергия таъминоти корхонаси ходими электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини хизмат кўрсатиш учун олиб кетади;
- Истеъмолчи электр энергия тармогига электр энергиясинн ҳисобга олиш ускунасисиз уланган;
- Истеъмолчи электр энергияси тармогидан узиб қўйилган.

**Электр энергия таъминоти корхонаси ходими:** ______________ ______________

(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Бюро ходими:** ______________ ______________

(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Истеъмолчига истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисида ҳамда Регламент бўйича электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиш, ўрнатиш ва қиёсловдан ўтказиш тартиблари тушунтирилди.**

**Эслатма. Мазкур далолатнома 2 иш куни ичида Биллинг тизимга киритиш учун Бюронинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши шарт.**

**Истеъмолчи:** ______________ ______________________________

(имзо) (Ф.И.Ш.)

ш.(туман) ______________ 201__ йил «___»__________

Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини(ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентига
4-ИЛОВА

**Юридик шахслар учун электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиб олиш бўйича**
**____- сон ДАЛОЛАТНОМА**

| | |
|---|---|
| Истеъмолчи шахсий рақами | |
| Юридик шахс номи | |
| Фаолият тури | |
| Манзили | |
| Телефон рақами, электрон манзили | |

Биз қуйида имзо чекувчилар, вакил ________________________________________
(Туман/ шаҳар энергия таъминоти корхонаси, лавозими, Ф.И.Ш.,)
__________________________________________________________ ва
вакил __________________________________________________________,
(Мажбурий ижро бюросининг худудий бўлими номи,лавозими, Ф.И.Ш.)________________________
Истеъмолчи иштирокида электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиш вақтидаги ҳолат қуйидагилардан иборат:

| | |
|---|---|
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини завод рақами | |
| Тури, маркаси, электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ишлаб чиқарувчиси | |
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиб олинаётган вақтдаги кўрсаткичи | |
| Ечиб олинган тамғалар рақами | |
| Қиёслов сертификатининг рақами ва амал қилиш муддати | |
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини АСКУЭ тизимига мослиги/мос эмаслиги | |
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини кўришда аниқланган камчиликлар | |

Шу ҳақда далолатнома туздик, электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиш сабаби ______________:

- электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини истеъмолчига берилди.

Исътемолчи электр энергиясини хисобга олиш ускунасини ечилгани хакидаги далолатномани бир нусхаси билан биргаликда қиёсловдан ўтказиш учун топширади.

- Истеъмолчи электр энергия таъминоти тармоғидан узиб қўйилган.

**Электр энергия таъминоти корхонаси ходими:** ______________ ________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Бюро ходими:** ______________ ________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Истеъмолчига истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисида ҳамда Регламент бўйича электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиш, ўрнатиш ва қиёсловдан ўтказиш тартиблари тушунтирилди.**

**Истеъмолчи:** ______________ ______________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

ш.(туман) ______________ **201__ йил «___»__________**

Электр энергиясини ҳисобга олиш
ускунасини(ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан
ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентнга
5-ИЛОВА

**Жисмоний шахсларга электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиб бериш бўйича _____- сон ДАЛОЛАТНОМА**

| | |
|---|---|
| Истеъмолчи шахсий рақами | |
| Ф.И.Ш. | |
| Манзили | |
| Телефон рақами, электрон манзили | |

Биз қуйида имзо чекувчилар, вакил ______________________________________________
( туман/шаҳар энергия таъминоти корхонаси, лавозими, Ф.И.Ш.,)
_____________________________________________________________________ ва
вакил_______________________________________________________________,
(Мажбурий ижро бюросининг худудий бўлими номи,лавозими, Ф.И.Ш.)
_____________________________________________________________________

Истеъмолчи иштирокида электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиш вақтидаги холат қуйидагилардан иборат:

| | |
|---|---|
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини завод рақами | |
| Тури, маркаси, электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ишлаб чиқарувчиси | |
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини қиёслов кўригидан кейинги кўрсаткичи, ўрнатилаётган вақтдаги кўрсаткичи | |
| Қиёслов сертификатининг рақами, қачон берилгани ва амал қилиш муддати | |
| Ўрнатилган тамғалар рақами | |
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини кўришда аниқланган камчиликлар | |

**Электр энергия таъминоти корхонаси ходими:** _______________ _____________________
**(имзо)** **(Ф.И.Ш.)**

**Бюро ходими:** _______________ _____________________
**(имзо)** **(Ф.И.Ш.)**

**Истеъмолчига истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисида ҳамда Регламент бўйича электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиш, ўрнатиш ва қиёслoвдан ўтказиш тартиблари тушунтирилди.**

**Эслатма. Мазкур далолатнома 2 иш кун ичида Биллинг тизимига киритиш учун Бюронинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши шарт.**

**Истеъмолчи:** _______________ _____________________
**(имзо)** **(Ф.И.Ш.)**

ш.(туман) _______________ 201__ йил «___»_________

Электр энергиясини ҳисобга олиш
ускунасини(ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан
ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
6-ИЛОВА

**Юридик шахсларга электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиб бериш бўйича**
**_____- сон ДАЛОЛАТНОМА**

| | |
|---|---|
| Истеъмолчининг шахсий рақами | |
| Корхона номи | |
| Фаолият тури | |
| Корхонанинг манзили | |
| Телефон рақами, истеъмолчининг электрон манзили | |

Биз қуйида имзо чекувчилар, вакил ____________________________________________
(Туман/шаҳар энергия таъминоти корхонаси, лавозими, Ф.И.Ш.,)
_____________________________________________________________________ ва
вакил________________________________________________________________,
(Мажбурий ижро бюросининг худудий бўлими номи,лавозими, Ф.И.Ш.)
_____________________________________________________________________

Истеъмолчи иштирокида электр энергиясини ҳисобга олиш приборни ўрнатиш вақтидаги холат қуйидагилардан иборат:

| | |
|---|---|
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини завод рақами | |
| Тури, маркаси, электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ишлаб чиқарувчиси | |
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини қиёслов кўригидан кейинги кўрсаткичи, ўрнатилаётган вақтдаги кўрсаткичи | |
| Қиёслов сертификатининг рақами, қачон берилгани ва амал қилиш муддати | |
| Ўрнатилган тамгалар рақами | |
| Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини кўришда аниқланган камчиликлар | |

**Электр энергия таъминоти корхонаси ходими:** ____________ ________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Бюро ходими:** ____________ ________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Истеъмолчига истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисида ҳамда Регламент бўйича электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ечиш, ўрнатишва қиёсловдан ўтказиш тартиблари тушунтирилди.**

**Истеъмолчи:** ____________ ________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил "20" августдаги 698-сон қарорига
2-ИЛОВА

# Табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент юридик ва жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда талабгорлар деб аталади) Давлат хизматлари марказлари орқали табиий газни маиший ва электрон ҳисобга олиш (ҳисоблагич) ускунасини (кейинги ўринларда ҳисобга олиш ускуналари деб аталади) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматларини (кейинги ўринларда давлат хизматлари деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

Мазкур Регламент талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 13 ноябрдаги ПҚ-3384-сон қарори асосида ўрнатилган ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек, ўлчов комплексларнга нисбатан тадбиқ этилмайди.

2. Давлат хизматлари Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали кўрсатилади. Бунда:

а) ҳудудий газ таъминоти ташкилотлари (кейинги ўринларда ҲГТТ деб аталади) – ҳисобга олиш ускуналарини ечиш ва ўрнатишни, ечилган ҳисобга олиш ускуналарини "Ўзстандарт" агентлигининг давлат метрология хизмати органларида (кейинги ўринларда метрология хизмати деб аталади) қиёслашдан ўтказишга тақдим этиш ишларининг амалга оширилишини таъминлайди;

б) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) барча жараёнларда ҲГТТ билан ҳамкорлик қилади, ҳисобга олиш ускуналарига тамға (пломба) қўйишни амалга оширади;

в) метрология хизмати ечилган ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга оширади;

г) талабгорлар ечилган ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш ва ечиш учун зарур шароит яратади ва ушбу жараёнда иштирок этади.

3. Табиий газни ҳисоблаш учун фақатгина Ўзбекистон Республикаси Ўлчаш воситалари давлат реестрига киритилган турлардаги ҳисобга олиш ускуналаридан фойдаланилиши шарт.

4. Давлат хизматлари марказлари, ҲГТТ, Бюро ва метрология хизмати ўртасида ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

5. Ҳисобга олиш ускуналарини қиёслаш даврийлиги:

жисмоний шахслар учун – 8 йил;

юридик шахслар учун – 4 йилни ташкил этади.

Ҳисобга олиш ускуналарига 2019 йил 1 ноябрга қадар расмийлаштирилган қиёслаш сертификатларининг амал қилиш муддати ўз кучида қолади.

6. Ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш метрология хизмати томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

7. ҲГТТ ҳисобга олиш ускунасини даврий текширувдан ўтказишнинг амал қилиш муддати тугашидан 30 кун олдин талабгорни ҳисобга олиш ускунасини даврий текширувдан ўтказиш зарурлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради.

Талабгориинг ҲГТТ томонидан белгиланган муддатда расмий равишда огоҳлантирилмаслиги ҳисобга олиш ускуналарини ўз вақтида қиёсловдан ўтказмаганлик учун айбдорликни келтириб чиқармайди.

8. Ҳисобга олиш ускуиаси талабгорнинг айбисиз вақтинчалик бузилганда ёки қиёслашдан ўтказиш учуи ечиб олинганда, етказиб берилгаи табиий газ учун ҳисоб-китоб Бюроии хабардор қилгаи ҳолда, ҳисобга олиш бузилишига ёки қиёслашдан ўтказишга қадар бўлган олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан ортнқ қўлланилиши мумкин эмас.

Ҳисобга олиш ускунаси бир ой муддатда ўрнатилмаган ҳолларда ҳисоб-китоб ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

9. Давлат хизмати кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

## 2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

### 1-§. Мурожаатларни шакллантириш ва юбориш

10. Талабгорлар давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

11. Талабгор ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими талабгор номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

12. Талабгордан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

13. Сўровнома тўлдирилганидан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

14. Сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

15. Ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш давлат хизматини кўрсатганлик учун:

жисмоний шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи;

юридик шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Бунда ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича бир вақтда мурожаат қилинганда йиғим суммаси бир марта ундирилади.

Ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш назарда тутилмаган ҳолларда ечиш ёки ўрнатиш учун йиғим ундирилмайди.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) жисмоний шахслардан ундирилган йиғимларнинг:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигинннг бюджетдан ташқари жамғармасиииңг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг махсус ҳисобрақамига ўтказилади (агар давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилса);

50 фоизи – метрология хизматининг ҳисобрақамига ўтказилади (агар ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш бўйича мурожаат қилинганда);

қолган маблағлар ҲГТТнинг банк ҳисобрақамига ўтказилади. Бунда, ҳисобга олиш ускуналарини заруратга кўра таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш харажатлари ҲГТТ маблағлари ҳисобидан қоплаиади;

б) юридик шахслардан ундирилган йиғимларнинг:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигииинг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг махсус ҳисобрақамига ўтказилади (агар давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилса);

50 фоизи – метрология хизматининг ҳисобрақамига ўтказилади (агар ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш бўйича мурожаат қилингаида);

қолган маблағлар ҲГТТнинг банк ҳисобрақамига ўтказилади.

16. Давлат хизматини олиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этганда, мазкур Маъмурий регламентнинг 15-бандида кўрсатилган йиғимлар тўланадиган суммадан 90 фоиз миқдорида тўланади.

17. Давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилганда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига аризани қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун йиғим суммасининг йўналтириладиган қисми 20 фоиздан 10 фоизга камайтирилади ва бўшайдиган маблағлар қолган олувчилар орасида мутаносиб равишда тақсимланади.

18. Сўровномада ишончсиз маълумотлар кўрсатилганлиги, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш учун тўловнинг амалга оширилмаганлиги давлат хизматларини кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади. Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

19. Талабгорлар давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

20. Талабгорлар Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқланганидан сўнг 20 дақиқа ичида ҲГТТ ва Бюрога электрон шаклда юборилади (қиёслашдан ўтказиш учун мурожаат қилинганда, метрология хизматига ҳам юборилади). ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда ҲГТТ ва Бюрога электрон шаклда юборилади (қиёслашдан ўтказиш учун мурожаат қилинганда, метрология хизматига ҳам юборилади).

## 2-§. Ҳисобға олиш ускуналарини ечиш тартиби

21. Ҳисобга олиш ускуналарини ечиш ҲГТТ ва Бюро вакиллари томонидан талабгор иштирокида амалга оширилади.

22. ҲГТТ ва Бюро ходимлари сўровнома келиб тушганидан сўнг 5 иш куни ичида талабгор билан келишиб, унинг иштирокида мазкур Регламентга 3-4-иловаларга мувофик шаклда тегишли далолатномани 2 нусхада тузган ҳолда ҳисобга олиш ускунасини ечиб олади.

Далолатноманинг бир нусхаси талабгорга топширади, иккинчи нусхаси ҲГТТ ходимида қолдирилади.

Бундай ҳолатда ҳисобга олиш ускунаси ўрнига текширилган бошқа ҳисобга олиш ускунаси ҲГТТ ҳисобидан дарҳол ўрнатилади.

Талабгор ҳисобга олиш ускунасини қиёслашдан ўтказиш учун мурожаат қилганда, ҳисобга олиш ускунаси ҲГТТ томоиидан далолатнома билан бирга метрология хизматига топширилади.

23. Талабгор ёки унинг вакили билан келишилган вақтда ва манзилда бўлмаган тақдирда, сўровномада кўрсатилган телефон рақами (электрон манзили, интернет ва ижтимоий тармоқ) орқали алоқага чиқиб сабабини аниқлайди ва бу ҳақда холислар иштирокида далолатнома тузилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи муҳри билан расмийлаштирилади ва мурожаат кўрмасдан қолдирилади.

Мурожаат кўрмасдан қолдирилганлиги ҳақида ҲГТТ ва Бюро масъул ходимлари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган хабарнома тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади.

## 3-§. Ҳисобға олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш тартиби

24. Ҳисобга олиш ускунаси ҲГТТдан қабул қилиб олинганидан сўнг 3 иш куни ичида метрология хизмати томонидан қиёслашдан ўтказилади.

25. Ҳисобга олиш ускунасини қиёслашдан ўтказиш натижаси ижобий бўлган тақдирда, ҳисобга олиш ускунаси фойдаланишга яроқли деб топилади ва метрология хизмати томонидан ҳисобга олиш ускунасининг қиёслашдан ўтказилганлиги ҳақида сертификат расмийлаштирилади.

Ҳисобга олиш ускунаси унинг ҳисоблаш механизми ва созлаш элементига ўзгартириш киритишнинг олдини олиш мақсадида метрология хизмати томонидан тамғаланади.

Ҳисобга олиш ускунасини киёслашдан ўтказиш натижаси салбий бўлганда, ҳисобга олиш ускунаси фойдаланишга яроқсиз деб топилади ва бу ҳақда шу куннинг ўзида метрология хизмати масъул ходими томонидан ҳисобга олиш ускунасининг яроқсизлиги ҳақида хабарнома расмийлаштирилади.

Сертификат ёки хабарнома расмийлаштирилгандан сўнг 20 дақиқа ичида метрология хизмати масъул ходими уларни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, ҲГТТ ва Бюрога, шунингдек, Давлат хизматлари маркази (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ЯИДХП оркали талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) электрон шаклда юборади.

26. ҲГТТ сертификат ёки хабарнома келиб тушганидан сўнг 2 иш куни ичида хисобга олиш ускунасини метрологик хизматдан олиб кетади.

27. Хабарнома олинган тақдирда ҲГТТ ҳисобга олиш ускунасини 3 иш кунида таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш чорасини кўради. Табиий газни ҳисобга олиш ускунасини таъмирлаш ёки янгисига алмаштиришга доир сарф-харажатлар ҲГТТ томонидан қопланади.

28. Таъмирланган ҳисобга олиш ускунаси ҲГТТ томонидан 2 иш кунида метрология хизматига тақдим этилиши лозим.

Метрология хизмати ҳисобга олиш ускунасини Регламентнинг 24-25-бандларида назарда тутилган тартибда қайта қиёслашдан ўтказади. Бунда, қайта қиёслаш учун талабгор ёки ҲГТТдан қўшимча тўлов ундирилмайди.

## 4-§. Ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш тартиби

29. ҲГТТ ва Бюро ходимлари ҳисобга олиш ускунасини қиёслашдан ўтказгандан кейин 3 иш куни ичида талабгор билан келишилган вақтда талабгор иштирокида ушбу Регламентга 5 ва 6-иловаларга мувофиқ шаклдаги ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиш тўғрисида уч нусхада далолатнома тузган ҳолда тамғаланади. Далолатноманинг бир нусхаси талабгорда қолдирилади.

Хизмат кўрсатиш якунланганлиги ҳақида хабардор қилиш учун ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилганлиги ҳақидаги далолатнома тузилган кундан бошлаб 1 иш куни ичида Давлат хизматлари марказларига юборилади.

Талабгор ёки унинг вакили келишилган вақтда ва манзилда бўлмаган тақдирда, бу ҳақда холислар иштирокида далолатнома тузилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи муҳри билан расмийлаштирилади.

30. Далолатнома ҲГТТ ва Бюро масъул ходимлари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади.

## 3-боб. Якунловчи қоидалар

31. Давлат хизматлари марказлари, ҲГТТ, Бюро ва метрология хизмати ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотлар сир сақланишини таъминлайди.

32. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

33. Талабгорлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

34. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-ИЛОВА

**Табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш**
СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| **I. Мурожаатларни шакллантириш ва юбориш** | | | |
| 1-босқич | Талабгор | 1. Табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиш ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтиш.<br>2. Давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўлаш. | 1. Хоҳишига кўра<br>2. Мурожаат қилинганда |
| 2-босқич | 1. Давлат хизматлари маркази<br>2. ЯИДХП | Табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш учун сўровномани ҲГТТ ва Бюрога (қиёслашдан ўтказиш учун метрология хизматига ҳам) юбориш. | 1. 20 дақиқа<br>2. Автоматик тарзда |
| **II. Ҳисобга олиш ускуналарини ечиш тартиби** | | | |
| 1-босқич | ҲГТТ ва Бюро | Талабгор билан келишилган вақтда, унинг иштирокида тегишли далолатнома тузган ҳолда ҳисобга олиш ускунасини ечиб олиш. | 5 иш куни мобайнида |
| **III. Ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш тартиби** | | | |
| 1-босқич | Метрология хизмати | 1. Ҳисобга олиш ускунасини ҲГТТдан қабул қилиб олиш ва қиёслашдан ўтказиш.<br>2. Сертификат ёки хабарнома расмийлаштирилгандан сўнг уларни электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, ҲГТТ ва Бюрога, шунингдек, Давлат хизматлари маркази (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ЯИДХП орқали талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) электрон шаклда юбориш. | 1. 3 иш куни мобайнида<br>2. 20 дақиқа мобайнида |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2-босқич | ҲГТТ | Сертификат ёки хабарнома келиб тушганидан сўнг ҳисобга олиш ускунасини метрология хизматидан олиб кетиш. | 2 иш куни мобайнида |

**IV. Ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш тартиби**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | ҲГТТ ва Бюро | Талабгор билан келишилган вақтда сўровномада кўрсатилган манзилга бориб, ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиб бериш ва уч нусхада тегишли далолатнома тузган ҳолда тамғалаш, далолатноманинг бир нусхасини талабгорда қолдириш. | 3 иш куни мобайнида |
| 2-босқич | ҲГТТ ва Бюро | Хизмат кўрсатиш якунланганлиги ҳақида хабардор қилиш учун ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилганлиги ҳақидаги далолатномани Давлат хизматлари марказларига юбориш. | 1 иш куни мобайнида |

Табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш,
қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-ИЛОВА

________________ ________________
*(сана)* *(рақам)*

**Табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш бўйича**
**СЎРОВНОМА**

**I. Талабгор – жисмоний шахс тўғрисида маълумот:**

| | |
|---|---|
| 1. Ф.И.Ш.: | |
| 2. Паспортсерияси ва рақами: | |
| 3. Манзили: | |
| 4. Абонентнинг шахсий рақами: | |
| 5. Телефон рақами: | |
| 6. Электрон почта манзили (ихтиёрий): | |
| 7. Газни ҳисобга олиш усканасини ўрнатилаётган манзили: | |

**II. Талабгор – юридик шахс тўғрисида маълумот:**

| | |
|---|---|
| 1. Тўлиқ номланиши: | |
| 2. СТИР: | |
| 3. Фаолият тури: | |
| 4. Газни ҳисобга олиш усканасини ўрнатилаётган манзили: | |
| 5. Табиий газни етказиб бериш шартнома санаси ва рақами: | |
| 6. Шахсий ҳисоб рақами: | |
| 7. Телефон рақами: | |
| 8. Электрон почта манзили: | |

**III. Хизмат тури:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. Хизмат тури: | газни ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиш | |
| | газни ҳисобга олиш ускунасини ечиш | |
| | газни ҳисобга олиш ускунасини қиёслаш | |

ш.(туман) ________________ 201__ йил «___»__________

Табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (хисоблагични) ечиш,
қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар учун газни ҳисобга олиш ускунасини ечиб олиш**
**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

| | |
|---|---|
| Истеъмолчининг шахсий рақами | |
| Ф.И.О. | |
| Манзили | |
| Телефон раками, электрон манзили | |

Биз қуйида имзо чекувчилар, вакил ______________________________________ __________
(Филиал номи ва газ таъминоти корхонаси бўлими, лавозими, Ф.И.Ш.)
________________________________ ________________________________________ва вакил
_______________________________________________________________________________,
(Маъмурий ижро бюросининг худудий бўлими номи,лавозими,Ф.И.Ш.)
_________________________________ _________________________________________________

Истеъмолчи иштирокида газни ҳисобга олиш ускунасини ечиш вақтидаги холат қуйидагилардан иборат:

| | |
|---|---|
| Газни ҳисобга олиш ускунаси завод рақами | |
| Тури, маркаси, газни ҳисобга олиш ускунасини ишлаб чиқарувчиси | |
| Газни ҳисобга олиш ускунасини ечиб олинаётган вактдаги кўрсаткичи | |
| Ечиб олинган тамғалар рақами | |
| Газни ҳисобга олиш ускунасини кўришда аникланган камчиликлар | |

Шу хақда далолатнома туздик, газни ҳисобга олиш ускунасини ечиш сабаби__________________________:

- газни ҳисобга олиш ускунасини Абонентга берилди ☐

Истеъмолчи газни ҳисобга олиш ускунасини ечилгани ҳақидаги далолатномани бир нусхаси билан биргаликда қиёсловдан ўтказиш учун топширади.

- Газ таъминоти корхонаси ходими газни ҳисобга олиш ускунасини хизмат кўрсатиш учун олиб кетади ☐
- Истеъмолчи газ тармогига газни ҳисобга олиш ускунасисиз уланган ☐
- Истеъмолчи газ тармоғидан узиб қўйилган ☐
- Истеъмолчига алмаштириш фондидан газни ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилган________ _______

зав. №_____________, кўрсаткичи ___________$m^3$

**Газ таъминоти корхонаси ходими:** _______________ ________________________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Бюро ходими:** _______________ ________________________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Истеъмолчига истеъмол қилинган табиий газ ҳамда Регламент бўйича газни ҳисобга олиш ускунасини ечиш, ўрнатиш ва қиёсловдан ўтказиш тартиблари тушунтирилди.**

**Эслатма. Мазкур далолатнома 2 иш куни ичида Биллинг тизимига киритиш учун Бюронинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши шарт.**

**Истеъмолчи:** _______________ ________________________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

ш.(туман) _______________ 201__ йил «___»_________

Табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
4-ИЛОВА

**Юридик шахслар учун газни ҳисобга олиш ускунасини ечиб олиш бўйича**
**_____-сон ДАЛОЛАТНОМА**

| | |
|---|---|
| Истеъмолчи шахсий рақами | |
| Юридик шахс номи | |
| Фаолият тури | |
| Манзили | |
| Телефон рақами, электрон манзили | |

Биз қуйида имзо чекувчилар, вакил __________________________________________________________
(Филиал номи ва газ таъминоти корхонаси бўлими, лавозими, Ф.И.Ш.)
____________________________________________________________________________ ва
вакил ________ __________________________________________________________,
(Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлими номи,лавозими, Ф.И.Ш.)
____________________________________________________________________________

Истеъмолчи иштирокида газни ҳисобга олиш ускунасини ечиш вақтидаги ҳолат қуйидагилардан иборат:

| | |
|---|---|
| Газни ҳисобга олиш ускунасини завод рақами | |
| Тури, маркаси, газни ҳисобга олиш ускунасини ишлаб чиқарувчиси | |
| Газни ҳисобга олиш ускунасини ечиб олинаётган вақтдаги кўрсаткичи | |
| Ечиб олинган тамғалар рақами | |
| Қиёслов сертификатининг рақами ва амал қилиш муддати | |
| Газни ҳисобга олиш ускунасини АСКУГ тизимига мослиги/мос эмаслиги | |
| Газни ҳисобга олиш ускунасини кўришда аниқланган камчиликлар | |

Шу ҳақда далолатнома туздик, газни ҳисобга олиш ускунасини ечиш сабаби______________________________:

- Газни ҳисобга олиш ускунасини абонентга берилди ☐

Истеъмолчи газни ҳисобга олиш ускунасини ечилгани ҳақидаги далолатномани бир нусхаси билан биргаликда қиёсловдан ўтказиш учун топширади.

- Истеъмолчи газ тармоғидан узиб қўйилган ☐
- Табиий газни етказиб бериш захирадаги газни ҳисобга олиш ускунаси орқали амалга оширилмоқда ☐

________________________________ зав. №_____________, кўрсаткичи _____________$m^3$, қиёслов сертификати рақами ____ ___________, қиёслов сертификати берилган сана «_____»__________ 20__ йил, қиёслов сертификатининг амал қилиш муддати «_____»__________ 20__ йил.

**Газ таъминоти корхонаси ходими:** _______________ __________________________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Бюро ходими:** _______________ __________________________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Истеъмолчига истеъмол қилинган табиий газ ҳамда Регламент бўйича газни ҳисобга олиш ускунасини ечиш, ўрнатиш ва қиёсловдан ўтказиш тартиблари тушунтирилди.**

**Эслатма. Мазкур далолатнома 2 иш кун ичида Фосса тизимига киритиш учун Бюронинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши шарт.**

**Истеъмолчи:** _______________ __________________________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

ш.(туман) ________________ **201__ йил «___»__________**

Табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш,
қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
5-ИЛОВА

**Жисмоний шахсларга газни хисобга олиш ускунасини ўрнатиб бериш бўйича**
**_____- сон ДАЛОЛАТНОМА**

| | |
|---|---|
| Истеъмолчи шахсий рақами | |
| Ф.И.О. | |
| Манзили | |
| Телефон рақами, электрон манзили | |

Биз қуйида имзо чекувчилар, вакил ______________________________
(Филиал номи ва газ таъминоти корхонаси бўлими, лавозими, Ф.И.Ш.,)
______________________________________________ ва
вакил ______________________________________________,
(Мажбурий ижро бюросининг худудий бўлими номи,лавозими, Ф.И.Ш.)
____________________ - ____________________________

Истеъмолчи иштирокида газни ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиш вақтидаги ҳолат қуйидагилардан иборат:

| | |
|---|---|
| Газни хисобга олиш ускунасини завод рақами | |
| Тури, маркаси, газни ҳисобга олиш ускунасини ишлаб чиқарувчиси | |
| Газни ҳисобга олиш ускунасини қиёслов кўригидан кейинги кўрсаткичи, ўрнатилаётган вақтдаги кўрсаткичи | |
| Қиёслов сертификатининг рақами, қачон берилгани ва амал қилиш муддати | |
| Ўрнатилган тамғалар рақами | |
| Газни ҳисобга олиш ускунасини кўришда аниқланган камчиликлар | |

**Газ таъминоти корхонаси ходими:** ____________ ______________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Бюро ходими:** ____________ ______________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Истеъмолчига истеъмол қилинган табиий газ ҳамда Регламент бўйича газни ҳисобга олиш ускунасини ечиш, ўрнатиш ва қиёсловдан ўтказиш тартиблари тушунтирилди.**

**Эслатма. Мазкур далолатнома 2 иш кун ичида Биллинг тизимига киритиш учун Бюронинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши шарт.**

**Истеъмолчи:** ____________ ______________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

ш.(туман) ________________ 201__ йил «___»______ _

Табиий газни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
6-ИЛОВА

**Юридик шахсларга газни ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиб бериш бўйича**
**_____- сон ДАЛОЛАТНОМА**

| | |
|---|---|
| Истеъмолчининг шахсий рақами | |
| Корхона номи | |
| Фаолият тури | |
| Корхонанинг манзили | |
| Телефон рақами, истеъмолчининг электрон манзили | |

Биз қуйида имзо чекувчилар, вакил ________________________________________
(Филиал номи ва газ таъминоти корхонаси бўлими, лавозими, Ф.И.Ш.)
________________________________________________________________ ва
вакил ______________________________________________________________,
(Мажбурий ижро бюросининг худудий бўлими номи,лавозими, Ф.И.Ш.)
____________________________________________________________________

Истеъмолчи иштирокида газни ҳисобга олиш приборни ўрнатиш вақтидаги ҳолат қуйидагилардан иборат:

| | |
|---|---|
| Газни ҳисобга олиш ускунасини завод рақами | |
| Тури, маркаси, газни ҳисобга олиш ускунасини ишлаб чиқарувчиси | |
| Газни ҳисобга олиш ускунасини қиёслов кўригидан кейинги кўрсаткичи, ўрнатилаётган вақтдаги кўрсаткичи | |
| Қиёслов сертификатининг рақами, қачон берилгани ва амал қилиш муддати | |
| Ўрнатилган тамғалар рақами | |
| Газни ҳисобга олиш ускунасини кўришда аниқланган камчиликлар | |

**Газ таъминоти корхонаси ходими:** ______________ ____________________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Бюро ходими:** ______________ ____________________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Истеъмолчига истеъмол қилинган табиий газ ҳамда Регламент бўйича газни ҳисобга олиш ускунасини ечиш, ўрнатишва қиёсловдан ўтказиш тартиблари тушунтирилди.**

**Эслатма. Мазкур далолатнома 2 иш кун ичида Фосса тизимига киритиш учун Бюронинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши шарт.**

**Истеъмолчи:** ______________ ____________________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “20” августдаги 698-сонли қарорига
3-ИЛОВА

# Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент юридик ва жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда талабгорлар деб аталади) Давлат хизматлари марказлари орқали ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш (ҳисоблагич) ускунасини (кейинги ўринларда ҳисобга олиш ускуналари деб аталади) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматларини (кейинги ўринларда давлат хизматлари деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

Мазкур Регламент талаблари саноат ўлчов комплексларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Давлат хизматлари Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали кўрсатилади. Бунда:

а) Сув таъминоти корхоналари ёки ҳудудий Иссиқлик таъминоти корхонаси (кейинги ўринларда таъминотчи корхона деб аталади) – ҳисобга олиш ускуналарини ечиш ва ўрнатишни, ечилган ҳисобга олиш ускуналарини “Ўзстандарт” агентлигининг давлат метрология хизмати органларида (кейинги ўринларда метрология хизмати деб аталади) қиёслашдан ўтказишга тақдим этиш ишларининг амалга оширилишини таъминлайди;

б) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) барча жараёнларда таъминотчи корхона (иссиқлик таъминоти корхоналаридан ташқари) билан ҳамкорлик қилади, ҳисобга олиш ускуналарига тамға (пломба) қўйишни амалга оширади;

в) метрология хизмати ечилган ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш ишларни амалга оширади;

г) талабгорлар ечилган ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш ва ечиш учун зарур шароит яратади ва ушбу жараёнда иштирок этади.

3. Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисоблаш учун фақатгина Ўзбекистон Республикаси Ўлчаш воситалари давлат реестрига киритилган турлардаги ҳисобга олиш ускуналаридан фойдаланилиши шарт.

4. Ҳисобга олиш ускуналарини қиёслаш даврийлиги:

жисмоний шахслар учун – 8 йил;

юридик шахслар учун – 4 йилни ташкил этади.

Ҳисобга олиш ускуналарига 2019 йил 1 ноябрга қадар расмийлаштирилган қиёслаш сертификатларининг амал қилиш муддати ўз кучида қолади.

5. Ҳисобга олиш ускуиаларини қиёслашдан ўтказиш метрология хнзмати томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

6. Давлат хизматлари марказлари, таъминотчи корхоиа, Бюро ва метрология хизмати ўртасида ахборот алмашинуви электрои рақамли имзони мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрои боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

7. Таъминотчи корхоиа ҳисобга олиш ускунасини даврий текширувдан ўтказишнинг амал қилиш муддати тугашидаи 30 куи олдин талабгорни ҳисобга олиш ускунасини даврий текшнрувдан ўтказиш зарурлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради.

Талабгорнинг таъминотчи корхона томонидан белгиланган муддатда расмий равишда огоҳлантирнлмаслиги ҳисобга олиш ускуналарини ўз вақтида қиёсловдан ўтказмаганлик учун айбдорликни келтириб чиқармайди.

8. Ҳисобга олиш ускунасини талабгорнинг айбисиз вақтинчалик бузилганда ёки қиёслашдан ўтказиш учун ечиб олинганда, етказиб берилган ичимлик ва иссиқ сув учун ҳисоб-китоб Бюрони хабардор қилган ҳолда, ҳисобга олиш бузилишига ёки қиёслашдан ўтказишга қадар бўлган олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан ортиқ қўлланилиши мумкин эмас.

Ҳисобга олиш ускунаси бир ой муддатда ўрнатилмаган ҳолларда ҳисоб-китоб ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Ичимлик суви ҳисоблагичини ўрнатиш учуи жойни ҳозирлаш, ҳисоблагич ўрнатиш учун назорат винтелини мавжудлигини таъминлаш талабгор томонидан амалга оширилади.

9. Давлат хизмати кўрсатиш мазкур Регламеитга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

## 2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

### 1-§. Мурожаатларни шакллантириш ва юбориш

10. Талабгорлар давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

11. Талабгор ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими талабгор номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги анкетани электрон равишда тўлдиради.

12. Талабгордан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

13. Сўровнома тўлдирилганидан сўнг, талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

14. Сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

15. Давлат хизматини кўрсатганлик учун:

жисмоний шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи;

юридик шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Бунда ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича бир вақтда мурожаат қилинганда йиғим суммаси бир марта ундирилади.

Ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш назарда тутилмаган ҳолларда ечиш ёки ўрнатиш учун йиғим ундирилмайди.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) жисмоний шахслардан ундирилган йиғимларнинг:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг махсус ҳисобрақамига ўтказилади (агар давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилса);

50 фоизи – метрология хизматининг ҳисобрақамига ўтказилади (агар ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш бўйича мурожаат қилинганда);

қолган маблағлар таъминотчи корхонанинг банк ҳисобрақамига ўтказилади. Бунда, ҳисобга олиш ускуналарини заруратга кўра таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш харажатлари таъминотчи корхона маблағлари ҳисобидан қопланади;

б) юридик шахслардан ундирилган йиғимларнинг:

20 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

10 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг махсус ҳисобрақамига ўтказилади (агар давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилса);

50 фоизи - метрология хизматининг ҳисобрақамига ўтказилади (агар ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш бўйича мурожаат қилинганда);

қолган маблағлар таъминотчи корхонанинг банк ҳисобрақамига ўтказилади.

16. Давлат хизматини олиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этганда, мазкур Маъмурий регламентнинг 15-бандида кўрсатилган йиғимлар тўланадиган суммадан 90 фоиз миқдорида тўланади.

17. Давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилганда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига аризани қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун йиғим суммасининг йўналтириладиган қисми 20 фоиздан 10 фоизга камайтирилади ва бўшайдиган маблағлар қолган олувчилар орасида мутаносиб равишда тақсимланади.

18. Сўровномада ишончсиз маълумотлар кўрсатилганлиги, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш учун тўловнинг амалга оширилмаганлиги давлат хизматларини кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади. Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

19. Талабгорлар давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

20. Талабгор Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқланганидан сўнг 20 дақиқа ичида таъминотчи корхона ва Бюрога электрон шаклда юборилади (қиёслашдан ўтказиш учун мурожаат қилинганда, метрология хизматига ҳам юборилади). ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда таъминот ташкилотига ва Бюрога электрон шаклда юборилади (қиёслашдан ўтказиш учун мурожаат қилинганда, метрология хизматига ҳам юборилади).

**2-§. Ҳисобга олиш ускуналарини ечиш тартиби**

21. Ҳисобга олиш ускуналарини ечиш таъминотчи корхона вакиллари томонидан ва Бюро вакиллари томонидан талабгор иштирокида амалга оширилади.

22. Таъминотчи корхона ва Бюро ходимлари сўровнома келиб тушганидан сўнг 5 иш куни ичида талабгор билан келишиб, унинг иштирокида мазкур Регламентга 3-4-иловаларга мувофиқ шаклда тегишли далолатномани 3 нусхада тузган ҳолда ҳисобга олиш ускунасини ечиб олади. Далолатноманинг бир нусхаси талабгорда, иккинчи нусхаси таъминотчи корхона ходимида, учинчи нусхаси Бюро (иссиклик таъминоти корхонасидан ташқари) ходимида қолдирилади.

Талабгор ҳисобга олиш ускунасини қиёслашдан ўтказиш учун мурожаат қилганда, ҳисобга олиш ускунаси таъминотчи корхона томонидан далолатнома билан бирга метрология хизматига топширилади.

23. Талабгор ёки унинг вакили келишилган вақтда ва манзилда бўлмаган тақдирда, сўровномада кўрсатилган телефон рақами (электрон манзили, интернет ва ижтимоий тармоқ) орқали алоқага чиқиб сабабини аниқлайди ва бу ҳақда холислар иштирокида далолатнома тузилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи муҳри билан расмийлаштирилади ва мурожаат кўрмасдан қолдирилади.

Талабгор томонидан ҳисоблагич ўрнатиш учун жойнинг ҳозирланмаганлиги, ҳисоблагич ўрнатиш учун назорат винтели мавжуд эмаслиги таъминотчи корхона ва Бюро томонидан ушбу камчиликлар бартараф этилгунга қадар мурожаатни кўрмасдан қолдиришга асос бўлади.

Мурожаат кўрмасдан қолдирилганлиги ҳақида таъминотчи корхона ва Бюро масъул ходимлари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган хабарнома тузилиб, тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади.

Талабгор ҳисоблагичнинг назорат винтели ишлашини таъминлаган ва иш олиб боришга халақит берувчи бошқа омилларни бартараф этган ҳолда 10 кунлик муддат ичида таъминотчи корхона ёки Марказни хабардор килади. Бунда, қайта мурожаат учун мазкур Регламентнинг 15-бандида назарда тутилган йиғим ундирилмайди.

**3-§. Ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш тартиби**

24. Ҳисобга олиш ускунаси таъминотчи корхонадан қабул қилиб олинганидан сўнг 3 иш куни ичида метрология хизмати томонидан қиёслашдан ўтказилади.

25. Ҳисобга олиш ускунасини қиёслашдан ўтказиш натижаси ижобий бўлган тақдирда, ҳисобга олиш ускунаси фойдаланишга яроқли деб топилади ва метрология хизмати томонидан ҳисобга олиш ускунасининг қиёслашдан ўтказилганлиги ҳақида сертификат расмийлаштирилади.

Ҳисобга олиш ускунаси унинг ҳисоблаш механизми ва созлаш элементига ўзгартириш киритишнинг олдини олиш мақсадида метрология хизмати томонидан тамғаланади.

Ҳисобга олиш ускунасини қиёслашдан ўтказиш натижаси салбий бўлганда, ҳисобга олиш ускунаси фойдаланишга яроқсиз деб топилади ва бу ҳақда шу куннинг ўзида метрология хизмати масъул ходими томонидан ҳисобга олиш ускунасининг яроқсизлиги ҳақида хабарнома расмийлаштирилади.

Сертификат ёки хабарнома расмийлаштирилгандан сўнг 20 дақиқа ичида метрология хизмати масъул ходими уларни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, таъминотчи корхона ва Бюрога, шунингдек, Давлат хизматлари маркази (ўзн келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ЯИДХП орқалн талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) электрон шаклда юборади.

26. Таъминотчи корхона сертификат ёки хабарнома келиб тушганидан сўнг 2 иш куни ичида хисобга олиш ускунасини метрология хизматидан олиб кетади.

27. Хабарнома олинган тақдирда таъминотчи корхона ҳисобга олиш ускунасини 3 иш кунида таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш чорасини кўради. Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини таъмирлаш ёки янгисига алмаштиришга доир сарф-харажатлар таъминотчи корхона томонидан қопланади.

28. Таъмирланган ҳисобга олиш ускунаси таъминотчи корхона томонидан икки иш кунида уни қайта қиёслашдан ўтказиш учун метрология хизматига тақдим этилиши лозим.

Метрология хизмати ҳисобга олиш ускунасини Регламентнинг 24-25-бандларида назарда тутилган тартибда қиёслашдан ўтказади. Бунда, қайта қиёслаш учун талабгор ёки таъминотчи корхонадан қўшимча тўлов ундирилмайди.

## 4-§. Ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш тартиби

29. Таъминотчи корхона ва Бюро ходимлари ҳисобга олиш ускунаси қиёслашдан ўтказилгандан кейин 3 иш куни ичида талабгор билан келишилган вақтда талабгор иштирокида ўрнатилиб, уч нусхада ушбу Регламентга 5-6-иловаларга мувофиқ шаклдаги ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиш тўғрисидаги далолатнома тузган ҳолда тамғаланади. Далолатноманинг бир нусхаси талабгорда қолдирилади.

Таъминотчи корхона ва Бюро томонидан хизмат кўрсатиш якунланганлиги ҳақида хабардор қилиш учун ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилганлиги ҳақидаги далолатнома тузилган кундан бошлаб 1 иш куни ичида Давлат хизматлари марказларига юборилади.

Талабгор ёки унинг вакили келишилган вақтда ва манзилда бўлмаган тақдирда, бу ҳақда холислар иштирокида далолатнома тузилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи муҳри билан расмийлаштирилади.

30. Далолатнома таъминотчи корхона ва Бюро масъул ходимлари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади.

## 3-боб. Якунловчи қоидалар

31. Давлат хизматларн марказлари, таъминотчи корхона, Бюро ва метрология хизмати ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотлар сир сақланишини таъминлайди.

32. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

33. Талабгорлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

34. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини
(ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича
давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-ИЛОВА

**Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш**
СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| **I. Мурожаатларни шакллантириш ва юбориш** | | | |
| 1-босқич | Талабгор | 1. Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиш ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтиш.<br>2. Давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўлаш. | 1. Хоҳишига кўра<br>2. Мурожаат қилинганда |
| 2-босқич | 1. Давлат хизматлари маркази<br>2. ЯИДХП | Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш учун сўровномани таъминотчи корхона ва Бюрога (қиёслашдан ўтказиш учун метрология хизматига ҳам) юбориш. | 1. 20 дақиқа<br>2. Автоматик тарзда |
| **II. Ҳисобга олиш ускуналарини ечиш тартиби** | | | |
| 1-босқич | Таъминотчи корхона ва Бюро | Талабгор билан келишилган вақтда, унинг иштирокида тегишли далолатнома тузган ҳолда ҳисобга олиш ускунасини ечиб олиш. | 5 иш куни мобайнида |
| **III. Ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш тартиби** | | | |
| 1-босқич | Метрологик хизмат | 1. Ҳисобга олиш ускунасини таъминотчи корхонадан қабул қилиб олиш ва қиёслашдан ўтказиш.<br>2. Сертификат ёки хабарнома расмийлаштирилгандан сўнг уларни электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, таъминотчи корхонага ва Бюрога, шунингдек, Давлат хизматлари маркази (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ЯИДХП орқали талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) электрон шаклда юбориш. | 1. 3 иш куни мобайнида<br>2. 20 дақиқа мобайнида |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2-босқич | Таъминотчи корхона | Сертификат ёки хабарнома келиб тушганидан сўнг ҳисобга олиш ускунасини метрология хизматидан олиб кетиш. | 2 иш куни мобайнида |

**IV. Ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш тартиби**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Таъминотчи корхона ва Бюро | Талабгор билан келишилган вақтда сўровномада кўрсатилган манзилга бориб, ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиб бериш ва уч нусхада тегишли далолатнома тузган ҳолда тамғалаш, далолатноманинг бир нусхасини талабгорда қолдириш. | 3 иш куни мобайнида |
| 2-босқич | Таъминотчи корхона ва Бюро | Хизмат кўрсатиш якунланганлиги ҳақида хабардор қилиш учун ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилганлиги ҳақидаги далолатномани Давлат хизматлари марказларига юбориш. | 1 иш куни мобайнида |

Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш
ускунасини(ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш
ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-ИЛОВА

_______________ _______________
*(сана)* *(рақам)*

**Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш бўйича**
**СЎРОВНОМА**

**I. Талабгор – жисмоний шахс тўғрисида маълумот:**

| | |
|---|---|
| 1. Ф.И.Ш.: | |
| 2. Паспорт серияси ва рақами: | |
| 3. Манзили: | |
| 4. Абонентнинг шахсий рақами: | |
| 5. Телефон рақами: | |
| 6. Электрон почта манзили: | |
| 7. Ҳисобга олиш усканасини ўрнатилаётган манзили: | |

**II. Талабгор – юридик шахс тўғрисида маълумот:**

| | |
|---|---|
| 1. Тўлиқ номланиши: | |
| 3. СТИР: | |
| 4. Ҳисобга олиш усканасини ўрнатилаётган манзили: | |
| 5. Ичимлик ва иссиқ сувни етказиб бериш шартномаси реквизитлари (санаси ва рақами): | |
| 6. Шахсий ҳисоб рақами: | |
| 7. Телефон рақами: | |
| 8. Электрон почта манзили: | |

**III. Хизмат тури:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. Хизмат тури: | ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиш | |
| | ҳисобга олиш ускунасини ечиш | |
| | ҳисобга олиш ускунасини қиёслаш | |

ш.(туман) _______________ 201__ йил «___»_________

Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш
ускунасини(ҳисоблагични) счиш, қиёслашдан ўтказиш
ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар учун ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини ечиб олиш**
**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

| | |
|---|---|
| Истеъмолчининг шахсий рақами | |
| Ф.И.О. | |
| Манзили | |
| Телефон рақами, электрон манзили | |

Биз қуйида имзо чекувчилар, вакил ________________ ________________________________
(Филиал номи ва сув (иссиқ сув) таъминоти корхонаси бўлими, лавозими, Ф И Ш.,)
_______________________________________________________________________ва вакил
________________________________________________________________________,
(Мажбурий ижро бюросининг худудий бўлими номи,лавозими,Ф И Ш )
______________________________ ______________________________________

Истеъмолчи иштирокида Ичимлик ва иссик сувни ҳисобга олиш ускунасини ечиш вактидаги ҳолат қуйидагилардан иборат:

| | |
|---|---|
| Ҳисобга олиш ускунаси завод рақами | |
| Тури, маркаси, ҳисобга олиш ускунасини ишлаб чиқарувчиси | |
| Ҳисобга олиш ускунасини ечиб олинаётган вақтдаги кўрсаткичи | |
| Ечиб олинган тамғалар рақами | |
| Ҳисобга олиш ускунасини кўришда аниқланган камчиликлар | |

Шу ҳақда далолатнома туздик, сувни (иссиқ сувни) ҳисобга олиш ускунасини ечиш сабаби __ __________________:

- Ҳисобга олиш ускунасини Абонентга берилди ☐

Истеъмолчи сувни ҳисобга олиш ускунасини ечилганн ҳақидаги далолатноманибир нусхаси билан биргаликда қиёсловдан ўтказиш учун топширади.

- Сув (иссиқ сув) таъминоти корхонаси ходими ҳисобга олнш ускунасини хизмат кўрсатиш учун олиб кетади ☐
- Истеъмолчи сув (иссиқ сув) тармоғига ҳисобга олиш ускунасисиз уланган ☐
- Истеъмолчи сув (иссиқ сув) тармоғидан узиб қўйилган ☐
- Истеъмолчига алмаштириш фондидан сувни (иссик сувни) ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилган__________ __зав. №____________, кўрсаткичи ___________m$^3$

**Сув (иссиқ сув) таъминоти корхонаси ходими:** ____________ ____________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Бюро ходими:** ____________ ____________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Истеъмолчига истеъмол қилинган Ичимлик (иссиқ сув) сув ҳамда Регламент бўйича сувни (иссик сувни) ҳисобга олиш ускунвсини ечиш, ўрнатиш ва қиёсловдан ўтказиш тартиблари тушунтирилди.**

**Эслатма. Мазкур далолатнома 2 иш кун ичида Биллинг тизимига киритиш учун Бюронинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши шарт.**

**Истеъмолчи:** ____________ ____________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

ш.(туман) ______________ 201 йил «___»_________

Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини(ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
4-ИЛОВА

**Юридик шахслар учун сувни (иссиқ сувни) ҳисобга олиш ускунасини ечиб олиш бўйича _____ - сон ДАЛОЛАТНОМА**

| | |
|---|---|
| Истеъмолчи шахсий рақами | |
| Юридик шахс номи | |
| Фаолият тури | |
| Манзили | |
| Телефон рақами, электрон манзили | |

Биз қуйида имзо чекувчилар, вакил __ ______________________________ _____
(Филиал номи ва сув (иссиқ сув) таъминоти корхонаси бўлими, лавозими, Ф.И.Ш.,)
______________________________ ______________________________ ва
вакил ______________________________ ___,
(Мажбурий ижро бюросининг худудий бўлими номи,лавозими, Ф.И.Ш.)
______________________________ ______________________________

Истеъмолчи иштирокида сувни (иссиқ сувни) ҳисобга олиш ускунасини ечиш вақтидаги ҳолат қуйидагилардан иборат:

| | |
|---|---|
| Ҳисобга олиш ускунасини завод рақами | |
| Тури, маркаси, ҳисобга олиш ускунасини ишлаб чиқарувчиси | |
| Ҳисобга олиш ускунасини ечиб олинаётган вақтдаги кўрсаткичи | |
| Ечиб олинган тамғалар рақами | |
| Қиёслов сертификатининг рақами ва амал қилиш муддати | |
| Ҳисобга олиш ускунасини АСКУВ тизимига мослиги/мос эмаслиги | |
| Ҳисобга олиш ускунасини кўришда аниқланган камчиликлар | |

Шу ҳақда далолатнома туздик, сувни (иссиқ сувни) ҳисобга олиш ускунасини ечиш сабаби ______________________;

- Ҳисобга олиш ускунасини абонентга берилди ☐

Истеъмолчи сувни (иссиқ сувни) ҳисобга олиш ускунасини ечилгани ҳақидаги далолатномани бир нусхаси билан биргаликда қиёсловдан ўтказиш учун топширади. ☐

- Истеъмолчи сув (иссиқ сув) тармоғидан узиб қўйилган. ☐
- Ичимлик ва иссиқ сувни етказиб бериш захирадаги сувни (иссиқ сувни) ҳисобга олиш ускунаси орқали амалга оширилмоқда ______________________ зав. №____________, кўрсаткичи ___________$m^3$, қиёслов сертификати рақами _____________, қиёслов сертификати берилган сана «_____»_________ 20__ йил, қиёслов сертификатининг амал қилиш муддати «_____»_________ 20__ йил.

**Сув (иссиқлик) таъминоти корхонаси ходими:** ______________ ______________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Бюро ходими:** ______________ ______________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Истеъмолчига истеъмол қилинган Ичимлик ва иссиқ сув ҳамда Регламент бўйича сувни (иссиқ сув) ҳисобга олиш ускунасини ечиш, ўрнатишва қиёсловдан ўтказиш тартиблари тушунтирилди.**

**Эслатма. Мазкур далолатнома 2 иш кун ичида Фосса тизимига киритиш учун Бюронинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши шарт.**

**Истеъмолчи:** ______________ ______________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

ш.(туман) ______________ **201__ йил «___»_________**

Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш
ускунасини(ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш
ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
5-ИЛОВА

**Жисмоний шахсларга сувни (иссиқ сувни) ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиб бериш бўйича**
**_____ - ДАЛОЛАТНОМА**

| | |
|---|---|
| Истеъмолчи шахсий рақами | |
| Ф.И.О. | |
| Манзили | |
| Телефон рақами, электрон манзили | |

Биз қуйида имзо чекувчилар, вакил __________ ______________________________________________
(Филиал номи ва сув (иссиқ сув) таъминоти корхонаси бўлими, лавозими, Ф.И.Ш.,)

________________ ______________________________________________________________ _ ва

вакил________________________ ______________________________________________________ ,
(Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлими номи,лавозими, Ф.И.Ш.)

_______________________________________________________ _____________

Истеъмолчи иштирокида сувни (иссиқ сувни) ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиш вақтидаги ҳолат қуйидагилардан иборат:

| | |
|---|---|
| Ҳисобга олиш ускунасини завод рақами | |
| Тури, маркаси, ҳисобга олиш ускунасини ишлаб чиқарувчиси | |
| Ҳисобга олиш ускунасини қиёслов кўригидан кейинги кўрсаткичи, ўрнатилаётган вақтдаги кўрсаткичи | |
| Қиёслов сертификатининг рақами, қачон берилгани ва амал қилиш муддати | |
| Ўрнатилган тамғалар рақами | |
| Ҳисобга олиш ускунасини кўришда аниқланган камчиликлар | |

**Сув (иссиқ сув) таъминоти корхонаси ходими:** ____________ ______________________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Бюро ходими:** ____________ ______________________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Истеъмолчига истеъмол қилинган сув (иссиқ сув) ҳамда Регламент бўйича ҳисобга олиш ускунасини ечиш, ўрнатиш ва қиёсловдан ўтказиш тартиблари тушунтирилди.**

**Эслатма. Мазкур далолатнома 2 иш кун ичида Биллинг тизимига киритиш учун Бюронинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши шарт.**

**Истеъмолчи:** ____________ ______________________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

ш.(туман) __________ __ 201 йил «___»_________

Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш
ускунасини(ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш
ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
6-ИЛОВА

**Юридик шахсларга сувни (иссиқ сувни) ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиб бериш**
**_____ - сон ДАЛОЛАТНОМА**

| | |
|---|---|
| Истеъмолчининг шахсий рақами | |
| Корхона номи | |
| Фаолият тури | |
| Корхонанинг манзили | |
| Телефон рақами, истеъмолчининг электрон манзили | |

Биз қуйида имзо чекувчилар, вакил ______________________________________________
(Филиал номи ва сув (иссиқ сув) таъминоти корхонаси бўлими, лавозими, Ф.И.Ш.)
______________________________________________________________________ ва
вакил______________________________________________________________,
(Мажбурий ижро бюросининг худудий бўлими номи,лавозими, Ф.И.Ш.)
______________________________________________________________________

Истеъмолчи иштирокида сувни (иссиқ сувни) ҳисобга олиш приборни ўрнатиш вақтидаги ҳолат қуйидагилардан иборат:

| | |
|---|---|
| Ҳисобга олиш ускунасини завод рақами | |
| Тури, маркаси, ҳисобга олиш ускунасини ишлаб чиқарувчиси | |
| Ҳисобга олиш ускунасини қиёслов кўригидан кейинги кўрсаткичи, ўрнатилаётган вақтдаги кўрсаткичи | |
| Қиёслов сертификатининг рақами, қачон берилгани ва амал қилиш муддати | |
| Ўрнатилган тамғалар рақами | |
| Ҳисобга олиш ускунасини кўришда аниқланган камчиликлар | |

**Сув (иссиқ сув) таъминоти корхонаси ходими:** ______________ ____________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Бюро ходими:** ______________ ____________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Истеъмолчига истеъмол қилинган Ичимлик ва иссиқ сув ҳамда Регламент бўйича сувни (иссиқ сувни) ҳисобга олиш ускунасини ечиш, ўрнатиш ва қиёсловдан ўтказиш тартиблари тушунтирилди.**

**Эслатма. Мазкур далолатнома 2 иш кун ичида Фосса тизимига киритиш учун Бюронинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши шарт.**

**Истеъмолчи:** ______________ ____________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3